



АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЧИЛИГИДА ДАЛИЛЛАРНИ СОХТАЛАШТИРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Шамсиддинов Камолиддин Зиёвиддинович

Анджон вилояти прокуратураси

Ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бўлими
алоҳида муҳим ишлар бўйича катта терговчиси
yuriskonsult1987@gmail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7788459>

ARTICLE INFO

Received: 21th March 2023

Accepted: 30th March 2023

Online: 31th March 2023

KEY WORDS

Жиноят, жазо, жавобгарлик, далиллар, сохталаштириш, қалбакилаштириш, хорижий давлатлар, яшириш, мол-мулк, мансабдор шахс.

ABSTRACT

Мазкур мақолада айрим хорижий давлатлар Жиноят қонунчилигида далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик масалалари баён этилган.

Бундан ташқари, мақолада айрим хорижий давлатлар Жиноят қонунчилигидаги далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик масалалари таҳлил этилиб, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 31-моддасини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилган.

Бизга маълумки, жиноятларни тез ва тўла очиш, айбдорларнинг жавобгарликка тортилишини таъминлаш фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришнинг кафолати ҳисобланади. Бошқа жиҳатдан эса, айбдорларни фош этишда уларнинг манфаатларига путур етказмаслик ва ҳуқуқларини хавф остида қолдирмаслик, асосиз равишда жавобгарликка тортилишларига йўл қўймаслик далилларни сохталаштиришни олдини олиш, жиноятни исбот қилиш фаолиятни амалга оширишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бундай шартларга эришиш учун кўп омиллар қаторида жиноят ишини юритиш доирасини тўғри белгилаб олиш, далилларни қалбакилаштиришни олдини олиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шулардан келиб чиқиб, айрим хорижий мамлакатларда далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жинояти учун жиноий жавобгарлик масалаларига тўхталиб ўтадиган бўлсак, масалан Франция ЖКда яширувчилик олдиндан ваъда қилинмаган ва олдиндан ваъда қилинганга ажратилмайди. Бундан ташқари, жазо тайинлаш пайтида асосий жиноий қилмишнинг тури ва миқдори ҳам инobatга олинади. Масалан, содир этилиши натижасида яширилаётган мол-мулк қўлга киритилган жиноий қилмиш учун 321-1 ёки 321-2-моддада назарда тутилган турма қамоғи муддатидан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо тайинланиши лозим бўлса, яширувчи ўзига маълум бўлган тегишли жиноий қилмишга мос равишдаги жазоларга тортилиши керак (321-4-модда).



ГФР ЖК¹ 21-бўлими “Жиноятчини яшириш ва мол-мулкни яшириш” деб аталади. Унда бошқа жиноятлар билан боғлиқ бўлган бир қанча тақиқлар белгиланган бўлиб, улар шу жумладан проф. Т.Арцт томонидан “қўш деликтлар” деб аталади. Булар: жиноятчига у жиноят натижасида қўлга киритган мол-мулкни сақлаб қолишни таъминлаш мақсадида содир этилган қилмишни тақиқловчи “яширувчилик” деб номланган 257-§; жиноятчи жазога тортилишига монелик қилиш мақсадида содир этиладиган қилмишни тақиқловчи “жазога монелик қилиш” деб номланган 258-§; “мансабдор шахснинг жазоланганга монелик қилиши” деб номланган 258а-§ - бу ерда алоҳида белги: процессуал босқичларда иштирок этувчи ёки санкцияларни ижро этувчи мансабдор шахслар; ўғирланган нарсаларни сотиб олишни ва ўғирланган мол-мулк билан муомалада бўлишга жиноятчига ёрдам кўрсатишни тақиқловчи “Мол-мулкни яшириш” деб номланган 259-§; ўғирланган мол-мулкни яширишнинг жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган турлари – 260 ва 260а-§; “Жиноий йўл билан топилган пулларни ошкорлаштириш” деб номланган 261-§².

Япония ЖКнинг³ “Жиноятчини яшириш ва далилларни йўқ қилишдан иборат бўлган жиноятлар” деб номланувчи 7-боби “Жиноятлар” деб номланган 103-моддаси (жиноятчини яшириш) 2-қисмида назарда тутилган бўлиб, унда жарима ёки оғирроқ жазога сабаб бўладиган жиноятни (жиноий қилмишни) содир этган ёки қамоқдан қочган шахсни яширган ёки уларга яширинишда кўмаклашган шахс икки йилгача муддатга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланиши белгиланган. Кодекснинг 104-моддаси (далилларни йўқ қилиб ташлаш)да қуйидаги қоида мустаҳкамланган: “Бошқа шахснинг жиноят иши бўйича далилни йўқ қилиб ташлаган, сохталаштирган ёки ўзгартирган ёхуд сохталаштирган ёки ўзгартирилган далилдан фойдаланган шахс икки йилгача мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади”. 105-моддада жиноятчи ёки қочоқнинг юқорида зикр этилган икки моддада назарда тутилган жиноятни мазкур шахсларнинг манфаатларида содир этган қариндошларига нисбатан алоҳида қоидалар белгиланган. Бу шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинишлари мумкин. Бундан ташқари, “Ўғирланган нарсаларга доир жиноятлар” деб номланган 39-бобдан ўрин олган 256-модда (ўғирланган нарсаларни қабул қилиш, ташиш, сақлаш, сотиб олиш ва уларга нисбатан воситачилик қилиш)да ўғирланган нарсаларни қабул қилувчи шахснинг ҳаракатлари учун жавобгарлик назарда тутилган. Мазкур қилмиш учун айбдор шахс уч йилгача муддатга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Ўғирланган нарсаларни ташиш, сақлаш, сотиб олиш ва уларга нисбатан воситачилик қилишда айбдор деб эътироф этилган шахслар ўн йилгача муддатга мажбурий жисмоний меҳнатга жалб қилган ҳолда озодликдан маҳрум қилиш ёки жарима билан жазоланади. 257-модда (қариндошлар ўртасидаги

¹ УК ФРГ. – М., 2001. – С. 145.

² Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право. – М., 2004. – С. 484.

³ УК Японии. – СПб., 2002. – С. 76–77. Япония ЖК роман-герман ҳуқуқ тизими моделига мансуб, махсус жиноят қонунлари эса асосан англосаксон ҳуқуқ тизими таъсирида пайдо бўлган. Япония ЖК 1907 йилда қабул қилинган ва 1908 йил 1 октябрдан бошлаб кучга кирган.



жиноят)да жиноят туғишган қариндош, эр (хотин), биргаликда яшайдиган қариндош ёки бундай қариндошлардан бирининг эри (хотини) томонидан содир этилган ҳолда жазодан озод қилиш шартлари белгиланган. Бажарувчининг қариндоши ҳисобланмаган иштирокчига нисбатан бундан олдинги қисмининг нормаси татбиқ этилмаслиги айтиб қўйилган.

Япония ЖКдаги иштирокчилик акцессор назарияси асосида шакллантирилган бўлиб, унинг 63-моддасига кўра, “ёрдамчига тайинланадиган жазо бажарувчига тайинланадиган жазога мос равишда енгиллаштирилади”. Бу қоида анча муҳим аҳамиятга эга, чунки Франция ЖК сингари, Япония ЖКда ҳам жиноятни яшириш олдиндан ваъда қилиш ва олдиндан ваъда қилинмаган ҳолатлар ажратилмайди. Айни вақтда, Япония ЖК 64-моддасида далолатчи ёки ёрдамчи қамоқ ёки кичик жарима тарзидаги жазо тайинланиши лозим бўлган жиноятлар, агар бу ҳақда махсус қоидалар мавжуд бўлмаса, жазоланмаслиги қайд этилган.

Далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноятнинг объектив томони ХХР ЖКда⁴ анча муфассал тавсифланган: “Жиноят содир этгани аён бўлган шахсга бошпана, молиявий ёрдам бериш, қочишда кўмаклашиш, сохта кўрсатувлар бериш йўли билан уни ҳимоя қилиш” уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш, қисқа муддатли қамоқ ёки назорат остига олиш билан жазоланади; жиноят жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир этилган тақдирда, уч йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қайд этиш лозимки, МДҲга аъзо давлатларнинг барчасида далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) одил судловга қарши жиноят сифатида баҳоланган. Грузияда бу жиноят исбот қилишнинг процесуал тартибига қарши жиноят сифатида қаралган. Арманистон (ЖК 334-моддаси)⁵, Россия Федератсияси (ЖК 316-моддаси)⁶, Молдова (ЖК 323-моддаси)⁷ фақат жиноятни яшириш учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, Украинада (ЖК 372-моддаси)⁸ ва Озарбайжон (ЖК 294-моддаси)⁹, Беларусь Республикаси (ЖК 395-моддасида далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик)¹⁰, Грузия (ЖКнинг 369-моддасида)¹¹ далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

⁴ УК КНР / Под ред. д.ю.н., проф. А.И.Карабеева, перевод с китайского Д.В.Вичикова. – СПб., 2001. – С. 204–205.

⁵ Уголовный кодекс Республики Армении. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.236.

⁶ Уголовный кодекс Российской Федерации. Официальный текст по состоянию на 1 октября 2001 года. – М.: НОРМА, 2001. – С.152.

⁷ Уголовный кодекс Республики Молдова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 226.

⁸ Уголовный кодекс Украины / Научное редактирование и предисловие докт.юрид.наук, проф. В.Я. Тацья и докт.юрид.наук, проф. В.В. Сташиса; перевод с украинского В.В. Гиленченко. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 393.

⁹ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики / научное редактирование, предисловие докт.юрид.наук, проф. И.М. Рагимова, перевод с азербайджанского Б.Э. Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.325.

¹⁰ Уголовный кодекс Республики Беларусь / Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Предисловие проф. Б.В. Волженкина; Обзорная статья А.В. Баркова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.472/

¹¹ Уголовный кодекс Грузии / науч.ред. З.К. Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И. Михайлова. Обзорн.статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе. Перевод с Грузинского И. Мермджанашвили. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.409.



Қозоғистон (ЖК 363-364-моддаларида)¹², Туркменистон (ЖК 210-моддаси)¹³ ва Тожикистон (ЖК 347-моддаси)¹⁴да ҳам жиноятни яшириш, ҳам жиноят ҳақида хабар бермаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Беларусь Республикаси (ЖК 395-моддалари) далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик назарда тутилган бўлиб, фуқаролик ва хужалик ишлари бўйича далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарлик кўрсатиб ўтилган¹⁵. Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса жиноят ишлари бўйича далилларни суриштирувчи, прокурор, терговчи томонидан сохталаштириш учун жавобгарлик назарда тутилади.

Грузия Жиноят кодексининг 369-моддасининг биринчи қисмида фуқаролик ишлари бўйича далилларни сохталаштирганлик учун, Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса жиноят ишлари бўйича далилларни суриштирувчи, прокурор, терговчи, исботловчи, ҳимояланувчи томонидан сохталаштириш учун жавобгарлик назарда тутилади¹⁶.

Грузия Жиноят кодексининг 369-моддасининг биринчи қисмида “Оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш), худди шунингдек далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) оғир оқибатларга олиб келиши учун жавобгарлик назарда тутилади.

Украинада Жиноят кодексининг 372-моддасида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва бошқа иштирокчи шахсларнинг жавобгарлиги назарда тутилган¹⁷. Ушбу модданинг оғирлаштирувчи ҳолати эса, оғир ёки ўта оғир жиноят тўғрисидаги жиноят иши бўйича далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) ва уларни сунийлаштириб кўрсатишда ифодаланади.

Озарбайжон Жиноят кодексининг 294-моддасида фуқаролик ишлар бўйича далилларни шахслар, суд жараёни иштирокчилари ва қатнашувчилар томонидан сохталаштиришдан иборатдир.

Ушбу кодексининг 294-моддаси иккинчи қисмида “Жиноят ишлари бўйича далилларни суриштирувчи, прокурор ва ҳимоячи томонидан сохталаштирганилик” учун жиноий жавобгарлик кўрсатиб ўтилган¹⁸.

Арманистон Республикаси ЖКнинг 31 боби “Одил судловга қарши жиноятлар”ни ўз ичига қамраб олади. Ушбу бобнинг 341-моддаси “Судья прокурор, терговчи ёки суриштирувчи амалга ошираётган бошқа шахслар томонидан ёлғон гувоҳлик беришга

¹² Уголовный кодекс Республики Казахстан / Предисловие министра юстиции Республики Казахстан, д.ю.н., проф. И.И.Рогова – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 466.

¹³ Уголовный кодекс Туркменистана. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 266.

¹⁴ Уголовный кодекс Республики Таджикистан / Предисловие А.В. Федорова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.410.

¹⁵ Уголовный кодекс Республики Беларусь / Принят Палатой представителей 2 июня 1999 года. Одобрен Советом Республики 24 июня 1999 года / Предисловие проф. Б.В. Волженкина; Обзорная статья А.В. Баркова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.472.

¹⁶ Уголовный кодекс Грузии / науч.ред. З.К. Бигвава. Вступ. статья к.ю.н., доц. В.И. Михайлова. Обзорн.статья д.ю.н., проф. О. Гамкрелидзе. Перевод с Грузинского И. Мермджанашвили. СПб.: Юридический центр Пресс, 2002. – С.409.

¹⁷ Уголовный кодекс Украины / Научное редактирование и предисловие докт.юрид.наук, проф. В.Я. Тация и докт.юрид.наук, проф. В.В. Сташиса; перевод с украинского В.В. Гиленченко. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С. 393.

¹⁸ Уголовный кодекс Азербайджанской Республики / научное редактирование, предисловие докт.юрид.наук, проф. И.М. Рагимова, перевод с азербайджанского Б.Э. Аббасова. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.325.



ва далилларни сохталаштиришга мажбурлаш” деб номланади. Унга кўра судья, прокурор, терговчи ёки суриштирув олиб борувчи бошқа шахс томонидан кўрқитиш ёки бошқа ноқонуний ҳаракатлар содир қилиш орқали гувоҳ, гумон қилинувчи, айбланувчи судланувчи ёки жабрланувчини кўрсатув беришга, экспертни ёлғон хулоса беришга, шунингдек таржимонни нотўғри таржима қилишга мажбурлаганлик учун – муайян мансабни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқидан беш йилгача маҳрум қилиш, уч ойгача қamoқ ёки икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Мазкур модданинг иккинчи қисмида жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида худди шу ҳаракатлар камситиш, қийноққа солиш ёки бошқа зўрлик ишлатиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса – уч йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Арманистон ЖК 334-моддасига кўра, оғир ёки ўта оғир жиноятни яшириш олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноятни яшириш, шунингдек жиноят қуроли ва воситалари, жиноят изларини ёки предметларини, жиноятни фош этиш йўлларини яшириш, агар ЖК 334¹-моддаси (шахсни ушлаб туриш ёки жазони ижро этиш жойларидан қочишда иштирокчилик)да назарда тутилган жиноят таркиби мавжуд бўлмаса жавобгарликка сабаб бўлади.

Модданинг иккинчи қисмида рағбатлантирувчи норма мавжуд, яъни айбдорнинг хотини (эри) ва яқин қариндошлари жиноятни олдиндан ваъда бермаган ҳолда яширганлик учун жавобгарликка тортилмайди.

Айтиш жоизки, деярли барча МДҲга аъзо мамлакатлар ЖКларида шундай нормалар мавжуд ва унда келтирилган шахсларнинг доираси деярли бир хил. Фақат Беларусь Республикаси ЖКда белгиланган нормада айрим фарқли жиҳатлар мавжуд. Унга кўра, жиноят содир этган шахснинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари, шунингдек ҳимоячи ўзининг касб мажбуриятларидан келиб чиқиб жиноят ҳақида хабар бермаганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилмайди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 31-моддаси учинчи қисмида “олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари жавобгарликка тортилмайди”, деб белгиланган. Агар Ўзбекистон ЖК 31-моддаси нормасида ҳам ҳимоячининг касб мажбуриятлари тақозо қилганлиги сабаблари мазкур шахслар доирасига ҳимоячини ҳам киритсак ҳамда ЖК 31-моддаси учинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этсак, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

“Олдиндан ваъда бермаган ҳолда жиноят ҳақида хабар бермаганлик ёки жиноятни яширганлик учун гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг яқин қариндошлари, шунингдек иш бўйича ҳимоячилар жавобгарликка тортилмайди”.

Албатта, бу рўйхат айрим мамлакатлар қонунларида янада кенгайтирилган. Жумладан, Грузия ЖК 375-моддасига кўра, яқин қариндошлар ва Грузиянинг “Одам савдоси (траффикинг)га қарши кураш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, одам савдоси жабрланувчиларига хизмат кўрсатиш муассасаларининг масъул шахслари ҳам жавобгарликка тортилмайди.



Россия Федератсияси ЖК 316-моддасида фақат ўта оғир жиноятларни яширганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Украина ЖК 396-моддасида эса, оғир ва ўта оғир жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган.

Шундай қилиб, чет эл мамлакатлари жиноят қонунчилигида далилларни сохталаштириш (қалбакилаштириш) жиноят учун жавобгарлик назарда тутилган нормаларни қиёсий тадқиқ этиш мазкур жиноят учун жавобгарликни назарда тутадиган норма жиноят қонунчилигида нафақат мустаҳкамланган, балки мулкка ва одил судловга қарши жиноятларга қарши курашишнинг сифатли воситаларидан бири сифатида қўлланилади, деган хулосага келиш имконини беради. Бунда ҳам жиноятни, ҳам жиноятчини олдиндан ваъда бермасдан яшириш учун жавобгарлик Беларусь Республикаси, Латвия, Эстония ва Молдова ЖКда назарда тутилган. МДҲ ва Болтиқбўйининг қолган мамлакатларида қонун чиқарувчи, сўзма-сўз шарҳдан келиб чиқиб, фақат жиноятни олдиндан ваъда бермасдан яшириш учун жиноий жавобгарликни назарда тутган¹⁹.

Хулоса қиладиган бўлсақ, баъзи бир мамлакатларнинг жиноят қонунчилигида қонун чиқарувчи далилларни сохталаштирганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларда муқобил санкцияларни белгилаганини, бизнинг назаримизда, ижобий бир ҳол деб ҳисоблаш мумкин. Бу қоида судга яширувчига жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг субъектив ва объектив ҳолатларини ҳисобга олиб иш кўриш учун кенг имкониятлар яратади.

¹⁹Макаров А.Д. Укрывательство преступлений и совершенствование уголовного законодательства // “Черные дыры” в Российском законодательстве. 2004. – С. 231–238.